




Ўзбекистон Республикасида
ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
2025 йил январь-март ойлари учун (дастлабки маълумотлар)

- I. Ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг йиллар бўйича ўзгариши динамикаси.
- II. Ҳудудлар бўйича ўртacha ойлик номинал иш ҳақи.
- III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.
- IV. Ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича динамикаси.
- V. Ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар.

I. Ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг йиллар бўйича ўзгариши динамикаси

Ўзбекистон Республикасида 2025 йил январь-март ойларида ўртacha ойлик иш ҳақи 5 796,1 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,0 % га ўсган.

Йиллар кесимда ўртacha ойлик иш ҳақи, минг сўм



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(чораклик\)](#)

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(йиллик\)](#)

[Ўртacha ҳисобланган ойлик иш ҳақи \(чораклик\)](#)

[Ўртacha ҳисобланган ойлик иш ҳақи \(йиллик\)](#)



II. Ҳудудлар бўйича ўртacha ойлик номинал иш ҳақи миқдори

Ҳудудлар бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори тўғрисидаги маълумотлар 2025 йилнинг январь-март ойлари учун келтирилган бўлиб, 2024 йилнинг мос даври билан таққосланган.

	Минг сўм	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	5 796,1	118,0
Қорақалпогистон Республикаси	4 672,1	115,0
Андижон вилояти	4 874,5	111,0
Бухоро вилоати	4 763,9	118,5
Жиззах вилоати	4 370,1	117,4
Қашқадарё вилоати	4 079,8	113,7
Навоий вилоати	7 330,9	112,6
Наманган вилоати	4 276,9	116,1
Самарқанд вилоати	4 353,1	117,6
Сурхондарё вилоати	4 209,1	119,1
Сирдарё вилоати	4 662,3	118,5
Тошкент вилоати	5 435,6	114,3
Фарғона вилоати	4 203,0	113,7
Хоразм вилоати	4 580,2	114,3
Тошкент шаҳри	9 889,1	122,7

Ҳудудлар кесимида ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақлари Тошкент шаҳри 9 889,1 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 22,7% га ўсгаллиги кузатилди.

Шунингдек, бу кўрсаткич Сурхондарё вилоятида 4 209,1 минг сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 119,1%), Бухоро вилоятида 4 763,9 минг сўмни (118,5%), Сирдарё вилоятида 4 662,3 минг сўмни (118,5%), Самарқанд вилоятида 4 353,1 минг сўмни (117,6%) ва Жиззах вилоятида 4 370,1 минг сўм (117,4%)ни ташкил этган.

Ўз ўрнида, ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Андижон вилоятида 4 874,5 минг сўм (111,0%), Навоий вилоятида 7 330,9 минг сўмни (112,6%), Фарғона вилоятида 4 203,0 минг сўмни (113,7%), Қашқадарё вилоятида 4 079,8 минг сўм (113,7%), Хоразм вилоятида 4 580,2 минг сўмни (114,3%), Тошкент вилоятида 5 435,6 минг сўм (114,3%), Қорақалпогистон Республикасида 4 672,1 минг сўмни (115,0%) ҳамда Наманган вилоятида 4 276,9 минг сўмни (116,1%) ташкил этиб, бошқа ҳудудларга нисбатан ўсиш суръати пастроқ эканлиги кузатилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(чораклик\)](#)

III. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал иш ҳақи миқдори ҳақида маълумотлар 2025 йилнинг январь-март ойларига оид бўлиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан таққосланган. Бу таққослаш орқали соҳалар кесимида фарқлар ва ўзгаришлар таҳлил қилинди.

Иқтисодий фаолият тури номи	Минг сўм	Ўсиш суръати, % да
Саноат	6 923,6	113,6
Қурилиш	6 013,9	112,3
Савдо	6 521,5	115,0
Ташиб ва сақлаш	8 719,2	116,0
Яшаш ва овқатланиш	4 790,0	113,0
Ахборот ва алоқа	14 818,4	126,8
Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик фаолияти	15 847,9	119,8
Таълим	4 044,2	117,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3 626,1	111,1
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	4 831,3	120,2
Ўртacha	5 796,1	118,0

Ўртacha ойлик номинал иш ҳақи иқтисодий фаолият турлари бўйича таҳлил қилинганида энг юқори ўсиш суръатлари ахборот ва алоқа соҳасида қайд этилганлиги, хусусан, бу соҳада 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 126,8% ни ташкил қилгани, иш ҳақи миқдори эса 14 818,4 минг сўмга етганлиги кузатилди.

Шунингдек, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш йўналишларида ҳам сезиларли ўсиш суръати кузатилиб, иш ҳақи миқдори 4 831,3 минг сўмни ташкил этиб, ўсиш 20,2% га, банк, суғурта, лизинг, кредит ва молиявий воситачилик фаолияти соҳасида иш ҳақи миқдори 15 847,9 минг сўмни ташкил этиб, 19,8% га, таълим соҳасида ўртacha иш ҳақи 4 044,2 минг сўмни ташкил этиб, 17,7% га, ташиб ва сақлаш соҳаларида эса 8 719,2 минг сўмни ташкил этиб, ўсиш 16,0% га ошганлиги кузатилди.

Шу билан бирга, ўртacha ойлик номинал иш ҳақи соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида 3 626,1 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 11,1% га, қурилиш соҳасида 6 013,9 минг сўмни ташкил этиб, 12,3% га, яшаш ва овқатланиш хизматлари йўналишида 4 790,0 минг сўмни ташкил этиб, 13,0% га, саноат соҳасида 6 521,5 минг сўмни ташкил этиб, 13,6% га, савдо соҳаси бўйича эса 6 521,5 минг сўмни ташкил этиб 15,0% га ўсган бўлсада бошқа тармоқларга нисбатан ўсиш суръати пастроқ эканлиги кузатилди.

Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи \(чораклик\)](#)

IV. Ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича динамикаси.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи миқдорининг сўнгги беш йилдаги ўзгариши таҳлил этилганида, 2025 йилнинг 1-чорагида банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида иш ҳақи миқдори 15 847,9 минг сўмни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 9 426,8 минг сўмга ошганлиги кузатилди.


Шунингдек, сўнгги беш йилда ахборот ва алоқа соҳаси бўйича иш ҳақи миқдори 9 985,5 минг сўмга, ташиб ва сақлаш соҳасида 5 061,7 минг сўмга, саноат соҳасида 3 269,7 минг сўмга, қурилиш соҳасида 2 441,0 минг сўмга, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасида 2 413,2 минг сўмга кўпайганлиги кузатилди.

Ўртacha ойлик иш ҳақининг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўзгариш динамикаси, минг сўм




Саноат соҳасида ўртacha ойлик иш ҳақи 6 923,6 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг таркиби бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи миқдори тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш соҳасида 9 436,0 минг сўм, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳасида 8 407,5 минг сўм, ишлаб чиқариш саноати соҳасида 6 598,7 минг сўм, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳасида 4 481,5 минг сўм эканлиги кузатилди.

Саноат соҳасида иш ҳақи миқдорининг ўзгариш динамикаси, минг сўм




Савдо соҳасида ўртacha ойлик иш ҳақи 6 521,5 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг таркиби бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи миқдори автомобиль ва мотоциклларнинг улгуржи ва чакана савдоси ва уларни таъмирлаш тармоғида 8 702,5 минг сўмни, автомобиль ва мотоциклларнинг савдосидан ташқари улгуржи савдо соҳасида 6 853,1 минг сўмни, автомобиль ва мотоциклларнинг савдосидан ташқари чакана савдо соҳасида 5 955,3 минг сўмни ташкил этган.

Савдо соҳасида иш ҳақи миқдорининг ўзгариш динамикаси, минг сўм




Ташиб ва сақлаш соҳасида ўртacha ойлик иш ҳақи 8 719,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг айrim соҳалари бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи миқдори омбор хўжалиги ва ёрдамчи транспорт соҳасида 11 594,7 минг сўмни, қуруқлиқдаги ва қувур транспорти соҳасида 7 187,6 минг сўмни, почта ва курьерлик фаолияти соҳасида 4 154,1 минг сўмни ташкил этган.

Ташиб ва сақлаш соҳасида иш ҳақи ўзгариши динамикаси, минг сўм




Ахборот ва алоқа соҳасида ўртacha ойлик иш ҳақи 14 818,4 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг айrim соҳалари бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар соҳасида 20 780,4 минг сўм, ахборот хизмати кўрсатиш соҳасида 19 515,5 минг сўмни, алоқа соҳасида 11 140,7 минг сўмни ташкил этган.

Ахборот ва алоқа соҳасида иш ҳақи ўзгариши динамикаси, минг сўм




Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ўртacha ойлик иш ҳақи 15 847,9 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг таркиби бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи мажбурий ижтимоий суғурталашдан ташқари, қайта суғурталаш ва нафақа жамғармалари соҳасида 17 748,2 минг сўмни, молиявий хизматлар кўрсатиш ва суғурталаш бўйича ёрдамчи фаолият соҳасида 17 532,9 минг сўмни, суғурталаш ва нафақа таъминотидан ташқари молиявий хизматлар соҳасида 15 649,0 минг сўмни ташкил этган.

Банк, суғурта, лизинг, кредит ва воситачилик соҳасида ўртacha ойлик иш ҳақи, минг сўм



Таълим соҳасининг асосий тармоқлари бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи, минг сўм

Таълим соҳасида ўртacha ойлик иш ҳақи 4 044,2 минг сўмни ташкил этган бўлса, унинг таркиби бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи олий таълим соҳасида 9 591,7 минг сўмни, техник ва профессионал таълим соҳасида 4 154,4 минг сўмни, умумий ўрта таълим соҳасида 3 970,4 минг сўмни, мактабгача таълим соҳасида эса 2 164,3 минг сўмни ташкил этган.



Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (чораклик)



V. Ўртacha ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи бўйича услугий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар корхона ва ташкилотлар томонидан электрон шаклда, онлайн тарзда тақдим этилган статистика ҳисоботлари маълумотлари асосида кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги корхоналарисиз шакллантирилган.

Республиканинг барча корхона ва ташкилотлари, жумладан кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар йилда бир маротаба шакллантирилиб, эълон қилинади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармонига мувофиқ, кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари статистика ҳисоботларини статистика идораларига йилда бир маротаба тақдим этиши белгиланган.

Номинал ҳисобланган иш ҳақи – маълум бир давр (соат, ой, йил) мобайнида ходим томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат) эвазига иш берувчилар томонидан, амалдаги қонун хужжатларига асосланган ҳолда солиқ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи ёлланма ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тарзида жисмоний шахсга пул шаклида ҳисобланган даромадлардан иборат.

Ҳисобот ойи учун номинал ҳисобланган иш ҳақи қуидагича ҳисобланади:

$$W_n = \frac{F}{L}$$

бунда:

W_n –номинал ҳисобланган иш ҳақи;

F – ҳисобот ойи учун жисмоний шахсларга ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар;

L – ҳисобот ойи учун ходимларнинг ўртacha сони;

Номинал ҳисобланган ўртacha ойлик иш ҳақини ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2024 йил 31 майдаги 122-сонли қарори билан тасдиқланган “Иқтисодиётда иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича услугий низом”га мувофиқ амалга оширилади.

Метамаълумот учун ҳавола:

[Иқтисодиёт бўйича иш ҳақи миқдорини баҳолаш бўйича услугий низом](#)

Тайёрлаш учун масъул:

Демография, меҳнат ва гендер
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:

У.Ташмуҳамедов
71 203-80-00 (1245)

Манзил:

